



ЁЗНИ табиат бағрида ўтказамиз!

Барча мактаб ва оромгоҳларда
«Долзарб 90 кун» экоташаббуси старт олди

Қуйи палатадаги муҳокамалар

ТАҲЛИЛИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ҳаётига оид бир қатор масалалар, муҳим қонун ҳужжатлари муҳокама қилинди. Депутатлар томонидан турли фикрлар, ўринли эътирозлар ҳам билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси барча масалага партия дастурий мақсадлари, бугунги экологик вазият, атроф-муҳит ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўзининг қатъий позициясини билдирди. Аввало Экопартия фракцияси йиғилишида кун тартибидаги барча масала қизгин муҳокама қилинди. Турли таклифлар ўртага ташланди.

→ 2-бет



МУАММОЛАР ПАРТИЯ ЭЪТИБОРИДА

→ 2-3-бетлар

Ўзбекистон – ЖАҲОН чемпионатида!



DAVR NAFASI >>

O'zbekistonda o'tgan yili investitsiya hajmi **35 mlrd dollarga, eksport hajmi 27 mlrd dollarga yetgan.**

Ислохотлар ва парламент назорати:

Қуйи палатадаги муҳокамалар таҳлили

← 1-бет

Қуйи палатанинг навбатдаги йиғилишида «Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чоралари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан чақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси каби муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Эндиликда суд биносида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари, шунингдек суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш назарда тутилмоқда. Яъни, суд ишларини ҳал этишга аралаштириш, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судья ёки халқ маслаҳатчисига турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Йиғилишда мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан чақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси билан битта кодекс ҳамда учта

қонунга мувофиқликни баҳолаш органлари масъулиятини ошириш, тадбиркорлик субъектларини тегишли талабларга номувофиқ бўлган маҳсулотларни ўз ихтиёри билан савдодан чақириб олишни рағбатлантиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришга кўра, эндиликда иш вақтидан ташқари ишнинг бир кунда биринчи икки соати учун камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорида (*меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда* – ҳар бир соати учун камида икки ҳисса миқдорда) ҳақ тўланиши белгиланмоқда. Иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги ходим учун сурункасига икки кун дамида тўрт соатдан (*меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда* – бир кунда икки соатдан) ошмаслиги кераклиги назарда тутилмоқда.

Мажлисида яна бир муҳим ҳаётий масала – таъйин ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан эса бир қатор қонун ҳужжатларига узлуксиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомидида чет элда бўлиб қайтган ўн саккиз ёшдан олти ёшга ёшган бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган

шахслар ҳамда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республикаимизга кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказишга оид нормалар киритилмоқда.

ОИВга мажбурий тиббий текширув давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатимизга кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари эса – ўз маблағлари, иш берувчининг ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган ҳар бир масала – жамиятнинг реал эҳтиёжлари, одамлар ҳаётига дахлдор муаммоларнинг ечими йўлидаги қадамлардир. Ишончимиз комилки, қабул қилинаётган қонунлар амалий ижроси билан халқ фаровонлиги, адолат ва барқарорлик йўлида хизмат қилади.



Экология вазирига парламент сўрови юборилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида Экопартия депутатлари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимовга «Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш ҳамда чиқинди полигонларини ёпиш ва рекультивация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, хусусан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш ҳамда чиқинди полигонларини ёпиш ва рекультивация қилиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Бунда «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид бир қатор фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лекин бу борада ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд. Жумладан, қаттиқ маиший чиқинди полигонларини ёпиш, рекультивация қилиш, уларни қайта юклаш станцияларини ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашни ташкил этиш, хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни тоифаларга ажратган ҳолда тўплаши учун махсус чиқинди пакетлари билан (QR-кодли) бепул таъминлаш, қайта ишлаш ёки экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни йўлга қўйган тадбиркорларга «яшил субсидиялар» ажратиш тизимини жорий этиш бўйича дастурларда белгиланган айрим лойиҳаларнинг ижроси кечикаётганини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, электромобиллар кенг омаллашиб бораётгани нуктаи назардан келгусида, уларнинг аккумуляторлари яроқлилик муддати тугагандан сўнг ёки турли сабабларга кўра ишдан чиққанда сақлашни ташкил этиш ҳамда утилизация қилиш масалалари кун тартибига чиқмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш ҳамда чиқинди полигонларини ёпиш ва рекультивация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирига парламент сўрови юборилди.

«Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили» давлат дастури ижроси



Жойлардаги экологик муаммолар партия ва

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан 2025 йилнинг биринчи чорагида «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш ҳамда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

«ЯШИЛ БОҒЛАР» ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

Давлат дастурининг 7-иловасида белгиланганидек, Ўзбекистон Экологик партияси томонидан давлат органлари ва корхоналар ҳудудида ташкил этилган «яшил боғлар» устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 71 та ташкилотда ташкил этилган 94 та «яшил боғ» ҳолати ўрганилди. Натижада, 458 662 дона манзарали ва мева-яил қўчат экилгани аниқланиб, уларнинг аксарияти парваришланган бўлса-да, 18 222 дона қўчат нобуд бўлган.

Энг кўп қуриган қўчатлар Қорақалпоғистон Республикасида (17 590 дона), Хоразм (420 дона) ва Бухоро вилоятларида (212 дона) кузатилди. Хусусан, Нукусдаги тиббиёт бирлашмаси ҳудудида экилган 11 минг қўчатдан 9 900 донаси, Тахياتошдаги иссиқлик станцияси ҳудудидаги 13 минг қўчатдан 6 500 донаси қуриб қолган. Экологик партия томонидан аниқланган ушбу ҳолатлар тегишли ташкилотлар эътиборига ҳавола қилинди.

» May oyida O'zbekistonga
**1,1 mln nafarga yaqin xorijiy sayyoh
tashrif buyurgan.**

Азиз АБДУХАКИМОВ:

«Ўзбекистон халқаро миқёсда

экологик ҳамкорликни кучайтиришга интилмоқда»

Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Глобал экологик фонд (GEF) кенгашининг 69-йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самарали натижалари дунёнинг етакчи донор давлатлари эътиборига тақдим этилди.



Кенгашда нутқ сўзлаган **Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимов** давлат раҳбари томонидан бир қатор муҳим экологик ташаббуслар, хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида кенг кўламли ўрмонзорлаштириш кампанияси олиб борилаётгани, бугунги кунгача 2 миллион гектар майдон яшил ҳудудга айлантирилгани, «Яшил макон» умумхалқ лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экилаётгани ва яшил ҳудудларни 30 фоизгача ошириш мақсад қилинаётгани, 2030 йилга бориб «яшил» энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилгани, қайта тикланувчи энергияга ва ноль чиқиндили транспортга ўтиш рағбатлантирилаётганини таъкидлади.

Экология вазири, шуниингдек, кенгаш иштирокчилари эътиборини Ўзбекистонда қонунчиликка атроф-муҳитни асрашга қаратилган қатор ўзгартиришлар киритилгани ҳамда экологик таълим сифати оширилаётганига қаратди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янгиланиб, атроф-муҳитни асраш борасидаги моддалар билан бойитилди, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ва табиатни муҳофаза

қилишга қаратилган бошқа ҳужжатлар экологик барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида такомиллаштирилди. Бундан ташқари, айнан Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (*Green University*), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши ва Миллий иқлим маркази ташкил этилди. 2025 йил эса «Атроф-муҳитни асраш ҳамда «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилинди. Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюциялари, жумладан, 2027 – 2036 йиллар оралиғида ўрмон ва ерларни тиклашга оид резолюция илгари сурилмоқда.

Кенгашда 2026 йилда GEFнинг 8-ассамблеяси ва GEF Кенгашининг 71-йиғилиши Ўзбекистонда, Самарқандда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Ўз навбатида Азиз Абдуҳақимов Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан чуқур миннатдорлик билдириб, GEF кўмағида Ўзбекистоннинг экологик кун тартибини шакллантиришда муҳим ютуқларга эришилгани ва ҳамкорликни давом эттиришга умид билдиришини айтиб ўтди.

Тадбирда айнан Ўзбекистоннинг экологик фаоллиги ва ташаббуслари туфайли жаҳон ҳам-

жамияти Марказий Осиёдаги иқлим ўзгариши сабабларига қарши кураш ва оқибатларини юмшатиш масаласига эътибор қаратаётгани қайд этилди. Хусусан, Самарқандда бўлиб ўтадиган навбатдаги тадбирларда йирик донор давлатлар минтақадаги экологик муаммоларга ечим топиш мақсадида бирлашади.

«Марказий Осиё ҳали ҳам иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва ер деградацияси хавфига жуда таъсирчан минтақа бўлиб қолмоқда. 2026 йилдаги GEF Ассамблеяси бу масалаларга эътибор қаратиш, маблағ сафарбар қилиш, билимлар алмашинуви ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Биз саммит доирасида ва ҳамкор давлатлар билан минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга, иқлим барқарорлигини оширишга ва биохилма-хиллик йўқолишининг олдини олишга интилмоқдамиз», – деди **Азиз Абдуҳақимов**.

Ўз навбатида тадбирнинг БМТ Туризм ташкилоти томонидан «Жаҳон маданий туризм пойтахти» деб эътироф этилган Самарқандда ўтказилиши ҳам рамзий маъно касб этиши таъкидланди.

«Бу биз учун шарафдир. Уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд қадимий цивилизациялар

чорраҳасида жойлашган бўлиб, инсонлар бу ерда табиат билан уйғунликда яшаб келган. Бугунги кунда эса Самарқанд – бой тарих, маданият, миллий таомлар ва ўзига хос меҳмондўстлик билан ажралиб турадиган жонли манзилдир. Марказий Осиё ва Буюк Ипак йўли марказида жойлашгани боис Самарқанд дунё давлатларидан келадиган делегатлар учун қулай географик жойлашувга эга», – деди вазир.

Азиз Абдуҳақимов GEF ассамблеясида 2026 йилда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси биргаликда мезбонлик қилишини таъкидлади. Ўз навбатида Ўзбекистонда деярли 100 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим, қолган давлатлар учун эса 24 соат ичида олинadиган соддалаштирилган электрон виза тизими жорий қилингани ва бу юртимизга ташриф буюрадиган делегатлар учун янада қулайлик яратиши қайд этилди.

Азиз Абдуҳақимов кенгаш иштирокчиларига Green Universityда IUCN (*GEF агентлиги*)нинг Марказий Осиёдаги офиси очилгани ҳақида ҳам маълумот берди:



«IUCN офисининг ташкил этилиши янги имкониятлар уфқини очади ва бу ташаббус нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиёга хизмат қилади. Биз бу минтақада «Табиат чегара билмайди» шиорини илгари суряпмиз, чунки экологик муаммолар чегараларни тан олмайди ва трансчегаравий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга».

GEF Ассамблеяси глобал экологик ҳаракатларни кучайтириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган молиявий кўмакни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, нафақат минтақа, балки бутун дунёдаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги позициясида қатъий ҳамда бу борадаги фаоллиги, ташаббускорлигини давом эттиради.

*Экология вазирлиги
Матбуот хизмати*

ҳолатни ўрганиш натижалари:

ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

Чиқиндиларни бошқариш: Мактабгача ва мактаб таълими муассасаларида чиқинди контейнерларига эҳтиёжлар ўрганилиб, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларга таклифлар киритилди.

«Экологик бурчаклар» ташкил этиш: Барча умумтаълим муассасаларида экологик маданиятни ошириш бўйича «Экологик бурчаклар» ташкил этилмоқда. Ҳозирга қадар 2 530 та мактабда яшил бог барпо этилди.

«Экологик йўлакчалар»: Мактабгача таълим ташкилотларида «Ер – бизнинг умумий уйимиз» дастури асосида турли ўйинлар, тажрибалар ва экосайёҳлик йўналишлари ташкил қилинмоқда.

Ички ишлар ва Экология вазирликлари ўртасида экологик ҳуқуқбузарликлар бўйича ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилди. «Шахсни идентификация қилиш» ахборот тизими билан интеграция асосида экологик қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш самарадорлиги оширилмоқда.

Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Экилган кўчатларнинг парвариши, оқова сувларни тозалаш, ер деградациясини камайтириш, яйловлар ва коллектор тармоқларини мониторинг қилиш, метан эмиссияларини камайтириш, экологик маданиятни шакллантириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Экопартия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан экологик назорат ва мониторинг доимий эътиборда бўлиб, ушбу йўналишлардаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мақсад – атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва келажак авлодлар учун соғлом экологик муҳит яратишдан иборат.

*Ўзбекистон Экологик партияси
Ахборот хизмати*





Янги лойиҳалар – депутатлар НИГОҲИДА

ЎЭПдан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларидаги «Хастимом», «Сархумдон» ва «Катта Оқтепа» маҳалларидаги ободонлаштириш ишлари пойтахтнинг тарихий қиёфасини асраб, уни замонавий маданий ва иқтисодий марказга айлантириш сари ташланган муҳим қадамлар сифатида баҳолашди.



Олмазор туманидаги «Хастимом» маҳалласида «Туризм кўчаси» лойиҳаси доирасида гастронимик ва туристик хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган замонавий инфратузилма яратилмоқда.

Умумий узунлиги 1400 метрга тенг бўлган «Зарқайнар», «Зарқайнар берк» ва «Охунгузар» кўчалари тарихий меъморлик услублари асосида замонавий талабларга мос равишда янгиланмоқда.

Маҳаллада сақланиб қолган қадимий уйлар ҳам сайёҳлар учун алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Миллий меъморий қиёфаси сақланган ушбу турар жойлар келгусида маданий мероснинг амалдаги қисмига айланиши, туризмнинг ривожланишига ҳисса қўшиши кутилмоқда.



300 йиллик тут – ҳимоямизда

ЎЭП Пешку туман кенгаши томонидан «Садир» МФЙ ҳудудидаги 300 ёшдан ошган тут дарахтининг сақланиш ҳолати юзасидан жамоатчилик ўрганиши ўтказилди.

Унга кўра, Ж.Қурбонов хонадонидagi кекса дарахт соғлом, тўлиқ шохлаган, етарлича парваришланган ва атрофи тоза сақланган.

Дарахтнинг шу ёшгача яхши ҳолатда сақланиши — хонадон эгаларининг табиатга бўлган ҳурмати, масъулияти ва экологик маданиятининг юқорилигидан далолат.

Тут дарахти нафақат табиатга ўзгача манзара бахш этади, балки инсон саломатлигида ҳам унинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ушбу ноёб дарахтни асраб-авайлаш юзасидан ЎЭП ҳамиша тегишли ёрдам кўрсатишга тайёр эканини билдирди.



Экологик безарар фаолият

ЎЭП Қашқадарё вилоят кенгаши ишчи гуруҳи томонидан «Шўртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ фаолияти, хусусан, лабораторияда яратилган шарт-шароитлар мониторингдан ўтказилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида ҳам маълумотлар олинди. Айниқса, дунёдаги энг илғор корхоналардан бири, юқори сифатли ёқилғи маҳсулотларини ишлаб чиқараётган «Uzbekistan GTL» корхонаси ишчи гуруҳда катта таассурот қолдирди.

Корхона масъулларининг таъкидлашича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳаво сифатига камроқ салбий таъсир кўрсатиб, транспорт соҳаси учун тоза экологик келажакни таъминлайди ҳамда иқтисодий ўсиш ва ривожланишига ҳисса қўшади.

Табиат билан ҳамнафас

«Долзарб тўқсон кун» лойиҳаси доирасида ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказаятган болалар учун она табиатга тўғри муносабатни шакллантириш, экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қилувчи қизиқарли тарғибот тадбирлари йўлга қўйилди.



Худудлардаги барча оромгоҳларда «Она табиатни асрайлик!» шиори остида расмлар кўргазмаси, заковат интеллектуал ўйинлари, қизиқарли савол-жавоблар ҳамда турли кўрик-танловлар орқали болаларнинг табиатга муносабатини янада яқинлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўтган ҳафта давомида Зомин туманидаги «Юлдузча», Тахياتош туманидаги «Ойдин йўл», Қизилтепа туманидаги «Табассум» оромгоҳларида худди шундай тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Уларда ЎЭП жойлардаги вакиллари фаол ташаббус кўрсатиб, бола-жонларга табиатни асраш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Ёш табиатсеварлар Экопартиянинг махсус эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муаммо ҳал этилди

Ижтимоий тармоқларда «Ўрай қишлоғи аҳолиси чиқинди полигонини ёпишни талаб қилмоқда» сарлавҳаси остида видео мурожаат тарқалган эди.

Мазкур ҳолат бўйича ЎЭП Бахмал туман кенгаши томонидан ўрганишлар олиб борилди. Ҳақиқатан ҳам ушбу чиқинди полигони аҳоли манзилидан 350 метр узоқликда жойлашган бўлиб, полигонга турли маиший, саноат ва тиббий чиқиндилар очиқ ҳолда ташлаб кетилган.

Туман чиқинди полигон дирекцияси томонидан полигон бутунлай ёпилиб, келгусида келадиган қаттиқ маиший чиқиндиларни Галлаорол туманидаги чиқинди полигонига тўкиш режалаштирилди. Ҳолат юзасидан туман чиқинди полигон дирекцияси раҳбарига 1 125 000 сўм миқдорида жарима қўлланилиб, маъмурий баённома тузилди. Бундай ҳолатни бошқа такрорламаслик бўйича тушунтиришлар берилди.



«Чимён Эко-2025»: Яшил ҳаёт сари биргаликда!

Чимён дарасида «Чимён Эко-2025» номли 48-экотуристик фестиваль юқори савияда ўтказилди. Тадбир ЎЭП Олмазор туман кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари ва фаол ёшлар иштирокида ташкил этилди.

Фестивалнинг бош мақсади – ёшларда табиатга меҳр ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш, уларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш, экологик маданиятни оммалаштириш ва экологик туризм салоҳиятини кенг тарғиб этишдан иборат.

Иштирокчилар учун экологик викториналар, чиқиндиларни саралаш бўйича амалий машғулотлар ва экотуристик юришлар ташкил этилди. Фестиваль доирасида «Тоza Чимён учун!» плогинг акцияси ҳам ўтказилди.


» **O‘zbekistonda energiya tejamkor uylarni ko‘paytirish** borasida dasturlar ishlab chiqildi.

МУНОФАЗА

Иновация

«Яшил» КИМЁ

«ЯШИЛ»
ИҚТИСОДИЁТНИНГ
МУҲИМ ТАЛАБИ



Ҳозирги кунда
атроф-муҳитни муҳо-
фаза қилиш ва ресурс-
лардан оқилона ва
самарали фойдаланиш
барқарор ривожла-
ниш ғоясининг асосий
мақсадига айланган.
Ўзбекистон Республика-
си Конституциясининг
68-моддасида ер, ер
ости бойликлари, сув,
ўсимлик ва ҳайвонот
дунёси ҳамда бошқа
табиий ресурслар
умуммиллий бойлик
экан, улардан оқилона
фойдаланиш зарурлиги
ва улар давлат муҳо-
фазасидалиги қатъий
белгиланган.

Барқарор ривожланиш – бу мамлакатларнинг ўз тараққиёт йўлини «яшил» иқтисодиёт асосида белгилаб олиши, жамиятнинг иқтисодий ўсиш, ижтимоий фаровонлик ва экологик соғломлигини мувозанатда сақлашдир.

«Яшил» иқтисодиёт йўлидан бораётган аксарият мамлакатларда сўнгги йилларда «яшил» кимё фаол тарзда ривожланмоқда ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган саноат ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. «Яшил» кимё – атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, ресурсларни тежайдиган ва инсон соғлиғини ҳимоя қилувчи кимёвий технологиялар ва усуллар мажмуидир. У асосан кимёвий реакциялар ва моддаларни ишлаб чиқаришда экологик тоза ва иқтисодий самарали йўللارни қўллашга қаратилгандир.

Энг муҳими, саноатнинг ушбу инновацион тури барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос келади. «Яшил» кимё саноати келажак авлодлар ҳам ўз эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлишини таъминлайдиган ҳозирги иқтисодий тараққиётнинг асосий драйверига айлана олади. Бу жараёнда табиий ресурслар тежалади, ишлаб чиқариш жараёни тўлалигича атроф-муҳитга зарар етказмасликка асосланади.

«Яшил» кимё шундай технологик ечимларни таклиф қиладики, у

нафақат саноатнинг экологик изини сезиларли даражада камайтиради, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам етарлича самара бера олади. Масалан, реакцияларда токсик реагентлар ўрнини хавфсизроқ ва биодеградацияланадиган моддалар эгаллайди, бу эса чиқинди ва ифлосланиш миқдорини камайтиради. Шу тариқа «яшил» кимё нафақат экологик, балки ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ҳам таъминлайди.

«Яшил» кимёнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатган бир нечта принциплари барқарор ишлаб чиқариш ва экологик тозаликни таъминлашда қўлланилади. Улар қуйидагилар:

Чиқиндиларни камайтириш: барча кимёвий жараёнларда чиқинди моддаларнинг ҳосил бўлишини минимал даражада камайтириш талаб этилади.

Хавфсиз моддалар: токсик, канцероген ва атроф-муҳит учун зарарли моддалар ўрнига хавфсиз ва биодеградацияланадиган моддалар ишлатилиши керак бўлади.

Энергия тежаш: кимёвий реакциялар кам энергия сарфлаш билан амалга оширилади, имкон борича паст ҳарорат ва босимда бажарилади.

Қайта тикланадиган ресурслар: хом ашё сифатида асосан қайта тикланадиган ва барқарор манбалардан фойдаланилади.

Каталитик усуллар: реакцияларнинг самарадорлигини ошириш учун катализаторлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади.

Чуқурроқ интеграция: ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасида мувофиқлик ва интеграция таъминланади.

Қимматбаҳо ва юқори сифатли маҳсулотлар: самарали реакциялар натижасида юқори сифатли маҳсулотлар олиш имконияти ортади.

Хавфсиз ишлаш шароитлари: ишчи муҳитда хавфсизлик ва инсон соғлиғини ҳимоя қилиш учун қулай муҳит юзага келади.

Иқтисодий самарадорлик: барқарор технологиялар иқтисодий жиҳатдан ҳам рентабел бўлишига эришилади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш: чиқиндиларни қайта ишлаб, уларни янги хомашё сифатида қайта қўллаш мумкин бўлади.

Экологик мониторинг: технологияларнинг атроф-муҳитга таъсири доимий кузатиб борилади ва жараён янада оптималлаштирилади.

«Яшил» кимё технологиялари нафақат кимёвий саноатда, балки фармацевтика, озиқ-овқат саноати, электроника ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан:

Фармацевтикада – дармондориларни ишлаб чиқаришда токсик реагентлар ўрнига «яшил» кимё усуллари қўлланилиб, организмга зарарсиз дорилар яратиш.

Пластмассалар ишлаб чиқаришда: биодеградацияланадиган полимерлар ва қайта тикланадиган хомашёдан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалигида: ҳашаротларга қарши экологик тоза биопестицидлар ишлаб чиқариш.

Энергетикада: қайта тикланадиган энергия манбалари билан интеграцияланган кимёвий реакциялар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «яшил» кимё бугунги замонавий саноатда эҳтиёж юқори бўлган экологик тоза саноат усули ҳисобланади. Бош Қомусимизнинг 115-моддасида Ҳукумат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш белгилаб қўйилган.

«Яшил» кимё – бу келажакнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган фундаментал ва амалий фан соҳаси. У атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини сақлаш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очмоқда. Барқарор ривожланиш сари йўлда яшил кимёни кенг қўллаш ва ривожлантириш давлатлар, тадбиркорлар ва илмий жамоатчилик учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Муаттархон АКБАРОВА,
Чирчиқ давлат педагогика университети Физика ва кимё факультети катта ўқитувчиси



ЯНГИ
ЛОЙИҲА

Батарейкалар
атроф-муҳитга

Хавф

СОЛМАСЛИГИНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Ўзбекистонда батарейкаларни
хавфсиз йўқ қилиш бўйича
экологик лойиҳа ишга туширилди

Ҳеч эътибор берганмисиз, нега оддий батарейкаларга туширилган чиқинди қутиси суратининг устидан тақиқ белгиси тортиб қўйилган? Бу белги ишлатилган батарейкаларни чиқинди қутиларига ташлаш қатъиян тақиқланишини аңглатади. Чунки ўзи бармоқдек келадиган бу митти энергия манбалари инсон саломатлиги ва табиат учун жуда катта зарар етказиши.

Куни кеча экологик йўналишдаги www.batareykalar.uz лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди.

Ушбу ташаббус 2024 йилда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ташкил этилган III Халқаро «Ёшлар – келажак бунёдкори!» экологик ва туристик форумида «Энг яхши экологик лойиҳа» номинациясида ғолиб деб топилган.

Лойиҳа муаллифи ва тақдимот ташаббускори ёш экофаол, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси Ферузбек Сайфуллаевдир.

Лойиҳа энг долзарб экологик муаммолардан бири – ишлатилган батарейкаларни хавфсиз йиғиш ва йўқ қилиш масаласига қаратилган. Чунки ушбу чиқиндилар таркибида кўрғошин, кадмий, симоб, никель ва литий каби оғир металллар мавжуд бўлиб, уларнинг нотўғри утилизацияси атроф-муҳит ҳамда инсон саломатлиги учун жиддий таҳдид туғдиради.

Мазкур ташаббус доирасида бутун мамлакат бўйлаб 100 та маҳсул контейнер ўрнатилди. Йиғиш пунктларининг аниқ манзиллари www.batareykalar.uz платформасида жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир фуқаро ўзига энг яқин контейнерни осонгина топиши мумкин. Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудларида 28 та чиқинди йиғиш пункти фаолият юритмоқда.

Ҳар бир пункт Экология вазирлиги ҳамда Чиқиндиларни бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармаларида ва «Корзинка» супермаркетларида жойлаштирилган. Тошкент шаҳрида эса 72 та пункт ишга туширилган бўлиб, уларнинг ярми «Korzinka» дўконларида, қолганлари давлат идоралари ва таълим муассасаларида жойлашган.

Гарчи Ўзбекистонда ҳозирча батарейкаларни қайта ишлашга ихтисослашган завод мавжуд бўлмаса-да, лойиҳа экологик хавфсизлик талаблари асосида, мустақил ташаббус сифатида амалга оширилмоқда. Йиғилган барча батарейкалар хавфсиз шароитда вақтинча сақланади ва кейинчалик «No Waste» компанияси томонидан халқаро стандартларга мувофиқ утилизация қилинади.

Лойиҳа аҳолини моддий рағбатлантиришсиз амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор – фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш ва чиқиндиларни онгли равишда бошқариш борасида масъулиятни оширишга қаратилган.

Лойиҳа ҳамкорлари Экология вазирлиги, Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги, «Korzinka» супермаркетлар тармоғи, «Murad Buildings» компанияси ҳисобланади.

www.batareykalar.uz лойиҳаси – Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқаришнинг самарали тизimini шакллантириш ва аҳолининг экологик масъулиятини ошириш йўлида муҳим қадамдир.





Экологик муаммоларга қарши курашиш бирлашишни талаб этади

Иқлим ўзгаришларининг оқибатларини барчамиз ҳис қилиб турибмиз. Хусусан, минтақамизга мос бўлмаган шамолнинг тезлиги натижасида Бухоро вилоятида юз берган табиий офат ёки бир қатор ҳудудларда сел келишининг ортиши бу албатта иқлим ўзгаришларининг оқибатидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ишлариға эътибор янада кучайди.

Мамлакатимиз раҳбари юксак минбарлардан экологик муаммоларни ҳал этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини таъкидламоқда. Жаҳон ҳамжамияти буни қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан минтақа мамлакатларини экологик масалаларда, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда мазкур масалаларда амалий ишларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина мисол сифатида БМТ шафелиги остида Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшерикли Траст фондининг ташкил этилиши ёки мустақиллигининг 27 йили давомида Оролнинг қуриган тубида 400 минг гектарда ўрмонзор ташкил этилган бўлса,



сўнгги икки йилда қарийб 1 млн 200 минг гектарга саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари уруғлари сепилгани ва кўчатлар экилганини келтириш мумкин.

Жорий йил 4 апрель куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро иқлим форумининг ялпи сессиясида Марказий Осиёдаги бир қатор экологик муаммолар қайд этиб ўтилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқлиги, минтақа аҳолиси 25 йилдан сўнг 100 миллион кишидан ортиши кутилаётган бир вақтда унумдор ерлар тез сурьбатлар билан қисқариб бораётганини қайд этди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда минтақадаги жами ер майдонининг 20 фоиздан ортиғи деградацияга учраган. Чорак асрдан сўнг ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўрмон хўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, «Уфқ – Европа» дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш учун «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

Муҳтасар айтганда, глобал тусдаги экологик муаммони бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати билан бартараф этиб бўлмайди. Бунга барча давлатлар ҳамжиҳатликда экологик муаммони бартараф этиш учун курашиши талаб этилади. Мусаффо осмон, гўзал табиатни асраб-авайлаш ва унинг бебаҳо неъматларидан оқилона фойдаланиш барчамизнинг умуминсоний бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Мақсуд ЎСАРОВ,
ЎЭП Навбаҳор туман кенгаши раиси

NIGOH



Жамоатчилик назорати

Бир томондан, расмий ҳисоботларга қарасангиз, Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида сўнгги йилларда улкан натижаларга эришилган. 2017 йилда 63,7 фоиз аҳоли тоза сув билан таъминланган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 81 фоизга етди. Яъни, саккиз йил ичида 9 миллион киши марказлашган ичимлик сув тизимига уланган. Бу, албатта, катта ютуқдек кўринади.

Қуруқ ҳисобот

билан қувурга сув келмайди

Бироқ... сув учун қувур тортилган, лекин қувурда сув йўқ бўлса-чи?! Иш тугалланган, лекин уйлارга сув келмаяпти. Оқова сув тизими қурилган, лекин ишга тушмаган. Бундай зиддиятли ҳолатлар нимадан дарак беради? Бу саволларга «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган жамоатчилик мониторинги жавоб беради.

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

Юртимиз бўйлаб 101 та маҳаллада ўрганилган 99 та лойиҳа чоғида кўплаб муаммолар аён бўлди. Хусусан, расмий ҳисоботларга кўра фойдаланишга топширилган 67 та лойиҳанинг 23 тасида қурилиш ишлари тўлиқ якунланмагани, 28 та лойиҳа муддатида фойдаланишга топширилмагани аниқланди.



Масалан, Наманган вилояти Чуст туманидаги «Янги Ўзбекистон» массивидаги кўп қаватли уйларда оқова сув тизими бутунлай йўқ.

Сирдарё вилоятидаги Бахт, Истиклол ва Аҳиллик маҳаллаларида эса тизим бор, лекин ишламайди.

Мониторинг жараёнида 9 та маҳаллада қурилиш ва таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилгани қайд этилди. Жиззах шаҳридаги Улуғбек ва Қалия маҳаллаларидаги сув миноралари хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Наманган вилоятидаги Гулзор маҳалласининг янги уйларида оқова тизимидаги хатоликлар оқибатида ёқимсиз ҳид ва техник муаммолар пайдо бўлган.

Шунингдек, 15 та маҳаллада сув тизимлари қуриб битказилганига қарамай, сув таъминоти тўлиқ йўлга қўйилмаган. Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Зарафшон маҳалласининг 7 та кўп қаватли уйида сув фақат 3 кунда бир марта, ярим соат келади холос.

Мониторинг чоғида яна бир жиддий муаммо – бошқарувдаги самарасизлик ва назорат етишмаслиги намоён бўлди. Масъул идоралардан Президент фармонида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар бўйича аниқ манзилли маълумотлар сўралганда, бундай ҳисоботлар юритилмаслиги маълум бўлган. Бу эса очиқлик ва ҳисобдорлиқнинг йўқлигига ишора қилади.

Аҳоли билан олиб борилган тўғридан-тўғри суҳбатларда эса муаммолар фақат техник эмас, балки кундалик ҳаёт сифатини кескин пасайтираётган ижтимоий муаммолар экани тасдиқланди.

ҳисобот

Кўп қаватли уйларда оқова сув тизими бутунлай йўқ.

ЧОРАЛАР БОР, ИЖРО-ЧИ?

Тоza ичимлик сув ҳар бир инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи, фаровон ҳаёт кафолати ҳисобланади. Агар давлат лойиҳалари ортида реал фойдаланиш имконияти бўлмаса, рақамлар ҳаёт сифатини ифода этмайди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари бор, аммо ижро масаласи юқоридаги каби бўлса, вазият ўнганмайди.

Ўтказилган жамоатчилик мониторинги натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

Сув лойиҳалари бўйича ҳар бир туманга бириктирилган техник муҳандисларни ҚМҚ 2.04.02-19 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар» қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича ўқитиш;

Сув ва оқова сув тизими объектларини фойдаланишга топширишда «Сувтаъминот» АЖ техник мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаш;

Масъул ташкилотлар томонидан аҳолини ичимлик сув ва оқова сув билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг очиқ ҳисоботини юритиш тизимини жорий этиш;

Лойиҳаларни аниқ режалаштириш ва барча ҳудудларни қамраб олиш, лойиҳаларни тайёрлашда барча хонадонларни қамраб олишни кафолатлайдиган дастурий таъминот ва мониторинг тизимларидан фойдаланиш;

Режалаштирилаётган лойиҳаларда хориж тажрибаси асосида замонавий технологиялардан фойдаланиш.

Шаҳруза САТТОРОВА
тайёрлади.

IQLIM

Чирокларни ўчириш, қоронғилик ҳам табиат неъматидир

Тунда осмонга боққанмисиз? Юлдузлар милтиллаб турган самодасокинлик, сирли гўзаллик ва абадий ҳайрат яширинган. Аммо бугун бу манзара тобора хира тортаётгандек. Глобал миқёсда аҳоли пунктларининг 80 фоиздан ортиғи тунги табиий қоронғиликдан маҳрум, шаҳар аҳолиси учун эса юлдузларни томоша қилиш тобора қийинлашиб бормоқда.

Дунё бўйича тунги ёруғлик майдони сўнгги ўн йилликда 49 фоизга ошиб, сунъий ёритилган ҳудудлар 1992 йилдан бери уч баравар кўпайган. Натижада қушлар йўлдан адашмоқда, одамлар уйқудан, соғлиғидан айрилмоқда, сайёрамиз табиий ритмини йўқотмоқда. Ёруғлик ифлосланиши – кўпинча кўзга кўринмас, лекин оқибатлари глобал: у иқлим ўзгариши жараёнларига ҳам таъсир кўрсатади, атмосферада иссиқликни ушлаб қолиш жараёнини кучайтиради.

Ҳўш, ёруғлик ифлосланиши ўзи нима? У яна қандай таҳдидларни олиб келади? Жаҳон бу муаммога қандай ечим топапти? Ўзбекистон бу борада нималар қилиши керак?

СУНЪИЙ ЁРУҒЛИК СОЯСИДАГИ ЭКОЛОГИК ХАВФ

Ёруғлик ифлосланиши бу– инсон томонидан яратилган сунъий ёруғликнинг атроф-муҳитга ҳаддан зиёд ва назоратсиз тарқалиши оқибатида табиий тунги шароитнинг бузилиши ҳисобланади. Қоронғулик – бу фақат зулмат эмас, балки табиат мувозанати, инсон соғлиғи ва ҳаётнинг чуқур цикли учун зарур бўлган омил. Бугун биз унга қарши курашяпмиз – билмаган ҳолда, ўйламай. Кўчалардаги ҳаддан ташқари ёруғлик, тунги реклама, 24 соат ёритилган дўконлар – буларнинг бари ёруғлик ифлосланишининг занжиридир.

ҚОРОНҒИЛИКНИ ЙЎҚОТИШ – СОҒЛИҚНИ ЙЎҚОТИШ

Ёруғлик ифлосланиши – инсон саломатлигига аста-секин, лекин изчил равишда таъсир этувчи замонавий хавф ҳисобланади. У фақатгина қулайлик учун ўрнатилган кўча чироқлари, рекламалар ва бинолар ташқи ёриткичлари орқали эмас, балки инсониятнинг табиий ритмига бевосита аралашган сунъий муҳит орқали намоён бўлади.

Инсон организмидagi циркад ритмлар кун-туннинг табиий алмашинуви асосида ишлайди. Бу ритмлар миёдаги гипоталамус орқали бошқарилади ва улар уйқу-уйғониш, метаболизм, иммун тизими, гормонал балансга жавоб беради. Кечаси қоронғиликда мия эпифиз беи томонидан мелатонин гормони ишлаб чиқарилади. Бу гормон нафақат уйқу, балки ҳужайра тикланиши, антиоксидант ҳимоя ва стрессга чидамликда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Сунъий ёруғлик таъсирида:

- мелатонин ишлаб чиқарилиши 50-80 фоизгача камаяди.
- уйқу фазалари бузилади: инсон чуқур уйқуга тушолмайди ёки эрта уйғонади.
- ортиқча чарчоқ, диққат сусайиши ва кайфият ўзгариши келиб чиқади.

Бир неча йил давомида ёруғлик ифлосланишига дуч келган инсонларда қуйидаги ҳолатлар хавфи ошади:

Юрак-қон томир хасталиклари: 2017 йилда Harvard Medical School томонидан олиб борилган тадқиқотга кўра, тунги ёруғлик

даражаси юқори бўлган шаҳарларда инфаркт ҳолатлари 11 фоиз кўп қайд этилган.

Онкологик касалликлар: мелатониннинг озлиги туфайли кўкрак беи ва простата саратони ривожланиши хавфи ортиши илмий исботланган.

Иммунитет заифлиги: мелатонин иммун ҳужайраларни фаоллаштиради, унинг камлиги инфекцияларга чидамсизликни оширади.

Метаболик синдром ва семизлик: ёруғлик таъсирида метаболик балансга жавоб берадиган инсулин ва лептин каби гормонлар фаолияти издан чиқади.

ОЛАМ ОЙДИН, АММО ТАБИАТГА ЗУЛМАТ

Инсоннинг сунъий ёруғлик билан яратган муҳити турли биологик жараёнларга таъсир кўрсатади. Масалан, кўплаб ҳашаротлар, қушлар ва бошқа тунги жонзотлар ўзининг табиий ритмидан четга чиқади. Улар учун тундаги ёруғлик сунъий ҳимоя ва овқатланиш фаолиятини бузади, натижада экотизимда мувозанат йўқолади. Қушлар миграциясида кечикишлар, ҳашаротлар сонининг камайиши ёки орттирилиши каби ҳолатлар яшаш муҳитининг бузилишига олиб келади.

Аслида экотизимлар мураккаб ўзаро боғлиқ тармоқлар бўлиб, уларнинг мувозанати кўп ҳолларда ёруғлик ва қоронғилик циклига, яъни сиркадиал ритмларга боғлиқ. Сунъий ёруғлик ушбу ритмларни бузиб, биологик, физиологик ва экологик муаммоларни юзага келтиради.

1. Сиркадиал ритмининг бузилиши

Кўпчилик жонзотлар (*шу жумладан одамлар ҳам*) 24 соатлик биологик соат асосида яшайди. Бу «соат» тунги қоронғилик ва кундузги ёруғлик фарқи асосланади. Сунъий ёруғлик ушбу фарқни йўққа чиқариб, қуйидагиларга олиб келади:

- ҳаётдаги стресс гормонлар ортиши;
- уйқу, овқатланиш, кўпайиш, миграция каби ҳаёт йўллари издан чиқиши;
- ҳаёт учун хавфли вақтда ҳайвонлар ва қушлар ҳаракат қилиши, яъни уларнинг

йиртқишларга нисбатан ҳимоясиз қолдириши.

2. Қушлар ва миграцион турлар

Кўчманчи қушлар юлдузлар ва ой ҳолатига қараб йўл топади. Skyglow (*осмон ёритилиши*) уларнинг йўналишини йўқотади.

2017 йилги Cornell Lab of Ornithology тадқиқотларига кўра, ёритилган биноларга урилиб ҳалок бўладиган қушлар сони ҳар йили АҚШда 100 миллиондан ошади.

Ўзбекистон орқали ўтадиган миграцион йўллар (*масалан, Оролбўйи ҳудудлари*) ҳам бундай хавф остида қолиши мумкин.

3. Ҳашаротлар ва чанглатиш тизими

Кечқурун фаол бўладиган ҳашаротлар (*капалақлар, чигирткалар, майда парранда*) чироқларга урилиши натижасида ҳаддан ортиқ энергия сарфлаб, нобуд бўлади.

Бу жараён чанглатиш занжирини бузади – ўсимликларнинг кўпайиши камайди, бу эса бутун озиқ-овқат занжирига таъсир қилади.

2021 йилги Nature Ecology & Evolution журналида чоп этилган мақолада, тунги ёритиш ҳашаротлар популяциясини 60 фоизгача камайтиргани келтирилган.

4. Ўсимликлар ҳаёт циклида бузилиш

Баъзи дарахтлар ва ўсимликлар фотопериодизм асосида гуллайди – яъни куннинг узунлигига қараб. Сунъий ёруғлик бу жараённи чалғитади: эрта гуллаш, мевасиз қолиш... Бу айниқса шаҳарларда экиладиган декоратив ёки мевали дарахтлар учун муҳим.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Ёруғлик ифлосланишига қарши курашишда дунё мамлакатлари турли усуллар ва инновацион ечимлардан фойдаланмоқда. Мисол учун, Францияда 2013 йилда ёритишни тартибга солувчи муҳим қарор қабул қилинди. Унга кўра, дўконлар, офислар ва реклама паннолари тунги соат 01:00 дан кейин чироқларини ўчиришга мажбур қилинди. Ёритиш фақат зарурат бўлгандагина мумкин ва бу жараён махсус «ёритиш текширувчилари» томонидан назорат қилинади. Бу чора-тадбирлар натижасида Парижда электр энергияси истеъмоли 30 фоизга камайди ва тунги осмон сифати сезиларли яхшиланди.

Берлин шаҳрида «Urban Nightscape» лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳада LED технологияларга ўтиш билан ёруғлик тарқалишини йўналтирилган тарзда чеклаш мумкин бўлди. Кўча чироқлари юқорига нур сочиши техник жиҳатдан тақиқланди ва ҳаракат сезгичлари орқали чироқлар фақат одам ҳаракати аниқланганда ёқилади. Шунингдек, мамлакатда ёруғлик ифлосланиши экологик қонунчиликда алоҳида хавф сифатида белгиланган.

Сеул шаҳрида «ақлли ёритиш» пилот лойиҳаси жорий этилди. Унда ҳаракат сезгичли лампалар ва об-ҳаво шароитларига мосланувчи ёруғликлар ишлатилади. Маҳаллий аҳоли мобиль иловалар орқали ёритишни бошқариш имконига эга бўлди. Янги қурилаётган бинолар учун «ёритиш самарадорлиги сертификати» жорий қилиниб, барқарорлик ва энергия тежамкорлигига катта эътибор берилмоқда.

ҚОРОНҒИ ОСМОН ҲУДУДЛАРИ

Ушбу муаммога ечим сифатида кўплаб давлатларда қоронғи осмон ҳудудлари ҳам ташкил этилмоқда. Бу ҳудудлар ёруғлик ифлосланишини камайтириш ва тунги осмоннинг табиий ҳолатини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга эга. Инсонлар табиий тунги муҳитда дам олиб, стресс даражасини камайтириш ва соғлиқни яхшилаш имконига эга бўлади.

Ўзбекистонда ҳам қоронғи осмон ҳудудларини яратиш ёруғлик ифлосланишининг салбий оқибатларини камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиздаги тоғли ҳудудлар, Бухоро, Хоразм, Самарқанд каби туристик ҳудудлар табиий ёруғликни сақлаб қолиш учун қулай.

ЁРУҒЛИК ИФЛОСЛАНИШИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА ТАВСИЯЛАР

Дунё тажрибаси кўрсатадики, ёруғлик ифлосланишига қарши курашишда ҳуқуқий чекловлар, инновацион технологиялар, ижтимоий онгни ошириш ва экологик туризмни ривожлантириш каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Афсуски, мамлакатимизда ёруғлик ифлосланишига кам эътибор берилган, бу соҳада аниқ стандартлар ва мониторинг тизимлари етарли даражада ривожланмаган.

1. Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш

Ёруғлик ифлосланишига оид аниқ стандарт ва меъёрлар жорий этилиши зарур. Кўчалар, шаҳарлар ва саноат объектларида ёритишнинг соатлари, қулайликлари ва типларини аниқ белгилаш.

2. Технологияларни жорий этиш

Шаҳарларда энергия тежамкор LED лампаларга кенг миқёсда ўтиш. Ақлли ёритиш тизимларини (*масалан, ҳаракат сенсорлари, вақтга боғлиқ ёритиш*) жорий қилиш.

Қишлоқ жойларда ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш.

3. Ижтимоий онгни ошириш

Ёруғлик ифлосланишининг салбий таъсири ҳақида жамоатчиликка кенг ахборот бериш, мактабларда ва олий ўқув юртларида экология дарслари ташкил қилиш.

4. Қоронғи осмон ҳудудларини сақлаш

Табиий ва тарихий қимматга эга ҳудудларда «қоронғи осмон зоналари»ни белгилаш ва уларни ҳимоя қилиш. Бу ҳудудларда сунъий ёруғликни минималлаштириш учун махсус қоидалар жорий этиш.

Умуман олганда, ёруғлик ифлосланиши – бу нафақат экологик, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммо ҳамдир. Табиий қоронғилик эса фақат тунги гўзаллик эмас – у экотизимлар, биологик хилма-хиллик ва барқарор ҳаёт учун зарур элемент ҳисобланади. Уни ҳимоя қилиш – ҳар бир инсон, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир давлатнинг экологик вазифаси.

Шаҳруза САТТОРОВА



Ғолиб укаларимга!

Фахриддин ҲАЙИТ

Ичимда тўлғониб чиқди битта гап,
Айтмасам бўлмади, бунга сен сабаб.

Футбол бу – жасорат баҳсидир асли,
Ҳаёт ҳам курашдан иборатмасми?!

Сен-ку тўп сураган,
тўп отар кимдир,
Қайдадир оромин
йўқотар кимдир.

Нечун юмалоқдир
Ер тўп мисоли,
Талошлар ичинда
тангдир аҳволи?!

Яшил ўрмонларга
вахм солар ўт,
Кўкда қушлар,
судда балиқлар нобуд...

Дунёга дарс бўлсин
ғолиб матлабинг,
Шодлик туҳфа этсин
улар сен каби.

Юртга берган шону
шавкатинг учун,
Раҳмат, барча чеккан
заҳматинг учун!

Қайта кашф этгандай
олис қитъани,
Юксалди ўзбекнинг
улуғвор шаъни...



Бугун ўзбек
футболининг
катта байрами. 5
июнь куни моҳир
спортчиларимиз
Бирлашган Араб
Амирликларида
ўтган ўйинда мун-
диал йўлланмасини
муддатидан олдин
нақд қилиб қўйган
бўлса, кеча жаҳон
чемпионати сара-
лаш босқичининг
сўнгги учрашувида
тарихий натижани
қайд этди. Ўзбекис-
тон терма жамоаси
Қатар футболчи-
лари устидан 3:0
ҳисобида ғалаба
қозонди.

Ўзбекистон – Жаҳон чемпионатида!

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси
тарихда илк бор футбол бўйича жаҳон
чемпионатида йўлланма олди**

Бу йўлланмани футболсевар
халқимиз кўп йиллар орзиқиб кутган
эди. Терма жамоамиз бундан олдин
етти марта саралашларда қатнашиб,
мундиалга чиқа олмаганди. Ҳар доим
ё таквим, ё голлар нисбати, ё маҳорат
етишмаслиги сабаб бўлиб қолаверарди.

Ҳеч қандай сабаб-баҳонага ўрин
қолмаслиги учун эса футболчилар куч-
ли бўлиши керак, пойдевор мустаҳкам
бўлиши керак. Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг 2018 йил 16
мартдаги қарори билан, 2018-2022
йилларда футболни янада ривожлан-
тириш дастури қабул қилинган эди.
Истеъдодли ёшларни танлаш, кейин-
чалик профессионал этиб тайёрлаш
ҳамда миллий терма жамоалар захира-
сини яратиш мақсадида 14 та ҳудудда
болалар ва ўсмирлар футбол академия-
лари ташкил этилди. Машғулот ва
мусобақаларда сифат ошди. Мураббий-
лар, ҳакамлар ва бошқа мутахассис-
ларга эътибор кучайди.

Яқиндагина, апрель ойида Саудия
Арабистонида ўтган мусобақада 17
ёшгача бўлган ўсмирларимиз Осиё
кубогини қўлга киритиб, жаҳон чем-

пионатида йўлланма олган эди. Мана
энди асосий терма жамоамиз ҳам янги
тарих яратди.

Ўзбекистон футболчилари саралаш
босқичида қарийб бир йил мобай-
нида Эрон, Қатар, Бирлашган Араб
Амирликлари, Қирғизистон, Шимолий
Корея футболчилари билан баҳс олиб
борди. «А» гуруҳида 10-тур доирасида
ўтказилган ўйинда Ўзбекистон Қатар-
ни 3:0 ҳисобида енгди. Қирғизистон
БАА билан 1:1 ўйнаган бўлса, Эрон –
КХДР баҳси 3:0 ҳисобида якунланди.
Мазкур натижалардан сўнг, гуруҳда
Эрон 23 очко билан биринчи ўринда
қолди. Ўзбекистон термаси эса 21 очко
жамғарди. Шу тариқа, бу жамоалар
Жаҳон чемпионати йўлланмасини
қўлга киритди.

Шунингдек, БАА термаси 15 очко
билан учинчи ўринни эгаллади. Қатар
13 очко билан 4-ўриндан жой олиб,
мундиал сари курашни яна бир сара-
лаш орқали давом эттирадиган бўлди.
Қирғизистон 8, КХДР 3 очко билан ке-
йинги поғонадан ўрин олди ва бу галги
мундиал билан хайрлашди.

2026 йилги жаҳон чемпионати 11

июндан 19 июлгача АҚШ, Канада ва Мекси-
када бўлиб ўтади. 48 та жамоа 12 та гуруҳ-
га бўлиниб баҳс олиб боради. Гуруҳларда
биринчи-иккинчи ўринни эгаллаганлар ҳамда
натижалари энг яхши 8 та учинчи ўрин соҳиб-
лари кейинги босқичга йўл олади. Ўзбекистон
ифтихори бўлган футболчиларимиздан бу му-
собақада ҳам яхши натижалар кутиб қоламиз.



Реклама

100 million soʻmgacha kredit karta

Xorijda ham foydalaning!

Xizmatlar litsenziyalangan.



Aloqa markazi:

1216

Batafsil:

@agrobankuz_bot

Oila va
TABIAT
Ijtimoiy-siyosiy, ekologik gazeta

ОЕП
O'zbekiston Ekologik
Partiyasi

Ўзбекистон
Экологик партияси Марказий
Кенгаши наشري

Тахрир хайъати:
Абдушукур ҲАМЗАЕВ
Азиз АБДУҲАКИМОВ
Рустам МАМАТҚУЛОВ
Хайрулло ГАППОРОВ
Нарзулло ОБЛОМУРОВОД
Зиновье НОВИЦКИЙ

Бош муҳаррир:
Хусниддин БЕРДИЕВ
Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000.
Амир Темур 1-тор кўчаси,
2-уй.
Тел/факс: 71 234-83-45.
E-mail: info@od-press.uz

Газета 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар агентлигида қайта
рўйхатдан ўтказилган. Ғувоҳнома рақами: № 0814.

Муассис: «Оила ва табиат» газетаси» МЧЖ
«Kolorpak» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди. Босмахона манзили:
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1а-уй.

Буюртма: 1578
ISSN 2181-6190
Обуна индекси – 193
Адади: 5831 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6

